

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ

КАМАГУРОВА СВЕТЛАНА ВЛАДИМИРОВНА

**САРИБАТИР ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНИДА МАЪДАНЛАШУВ
ЖОЙЛАШУВИНИНГ ГЕОЛОГИК ОМИЛЛАРИ ВА ҚИДИРУВ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Камагурова Светлана Владимировна

Сарибатир олтин маъданли қонида маъданлашув жойлашувининг геологик
омиллари ва қидирув усулларини такомиллаштириш.....3

Камагурова Светлана Владимировна

Геологические факторы размещения оруденения и оптимизация методики
разведки золоторудного месторождения Сарыбатыр.....21

Kamagurova Svetlana Vladimirovna

Geological factors of mineralization placement and optimization of exploration methods
of the Sarybatyr gold deposit.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ

КАМАГУРОВА СВЕТЛАНА ВЛАДИМИРОВНА

**САРИБАТИР ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНИДА МАЪДАНЛАШУВ
ЖОЙЛАШУВИНИНГ ГЕОЛОГИК ОМИЛЛАРИ ВА ҚИДИРУВ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.3.PhD/GM279 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Минерал ресурслар институти» давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mridm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исоқов Мақсуд Узоқович
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Турапов Мирали Камалович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Антонов Александр Евгеньевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Ўзбек геология қидирув» АЖ

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «18» 11 соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100064, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64. Тел. (99871) 209-08-93; e-mail: info@mridm.uz, grniimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (3473 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100064, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси 64-уй. Тел: (99871) 209-08-93).

Диссертация автореферати 2025 йил «31» 10 куни тарқатилди.
(2025 йил «8» 10 даги 25 рақамли реестр баённомаси).



В.Д. Цой

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, г.-м.ф.д., профессор

С.С. Сайитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.ф.д. (PhD)

М.М. Пирназаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро амалиётда олтин конларининг геологик тузилиши хусусиятларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, қидирув услубияти ва захираларини ҳисоблаш, шунингдек, геологик-иктисодий баҳолаш масалалари долзарблигича қолмоқда. Асосий эътибор мавжуд геологик, кон-техник ва технологик маълумотларни сифатли қайта ишлашга, шунингдек, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва талқин қилишнинг замонавий усулларини қўллашга қаратилган.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда олтин конларини геологик қидириш ва захираларини баҳолашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Янги техник-иктисодий қидирув кондицияларини ҳисобга олган ҳолда захираларни қайта ҳисоблаш учун лицензияланган дастурий таъминотлардан фойдаланиш геология-қидирув ишларининг самарадорлигини оширишда ва мамлакатнинг минерал-хомашё базасини ривожлантиришда кенг имконият яратади.

Республикамизда ер қаърини комплекс ўрганиш ва минерал хомашё базасини ривожлантириш ҳамда қайта тиклаш дастурларини самарали жорий этиш учун ягона геологик хизматни ташкил этиш бўйича бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “минерал хомашё базасини иқтисодиёт эҳтиёжларига мос равишда кенгайтириш...”¹ бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Қўйилган вазифаларнинг ечими геология-қидирув услубини такомиллаштириш ва ер қаърини ўрганиш самарадорлигини ошириш, жаҳон бозорида олтин нархининг беқарорлигини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблашнинг ишончлилигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар билан узвий боғлиқ бўлиб, бу конлар захираларини янги кондициялар бўйича динамик қайта баҳолаш зарурлигини тақозо этади.

Республикадаги мавжуд кончилик корхоналарининг минерал хомашё базасини ўз вақтида қайта тиклаш, маъданлашувнинг жойлашиш қонуниятларини чуқур ўрганиш асосида конларни қидиришнинг илмий-услубий ечимларини такомиллаштиришни устувор вазифалардан бирига айлантирмоқда. Бугунги кунда қазиб олиш саноати олтин ва кумуш қазиб олишни сезиларли даражада ошириш вазифасини қўймоқда, шу муносабат билан конларни чуқурликда ва канотларида ўрганиш зарур.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3578-сон, 2020 йил 8 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4740-сон, 2021 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 60-сон Фармони.

21 апрелдаги “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб қилиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республиканинг минерал-хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5083-сон, 2024 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини 2024-2025 йилларда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 128-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг VIII – «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда турли йилларда геологик тузилиши, келиб чиқиши, таркибий-морфологик тури жиҳатидан мураккаб ва хилма-хил бўлган маъдан таналарини қидириш, разведка қилиш ва қазиб олиш жараёнида ўрганиш ишлари олиб борилган. Бу тадқиқотлар маъдан таналарида олтин маъданлашувининг тарқалишини таҳлил қилиш, захираларни ҳисоблаш аниқлигини баҳолашни ўз ичига олган. Ушбу тадқиқотлар В.Н.Азин, Х.А.Акбаров, Ю.Л.Гертман, А.В.Гиль, Л.М.Глейзер, И.М.Голованов, С.А.Денисов, В.Я.Зималина, Д.А.Зенков, Б.А.Исаходжаев, М.У.Исоқов, Ж.Н.Кузнецов, С.М.Колоскова, Н.Н.Королева, М.С.Карабаев, Е.З.Мешанинов, С.Т.Марипова, Е.И.Николаева, М.М.Пирназаров, Г.С.Тиллаева, М.Д.Увадев, В.П.Федорчук, И.Х.Хамрабаев, И.О.Хамроев, В.Д.Цой, Ю.С.Шихин, П.А.Шехтман ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Бугунги кунда АҚШ, Россия, Хитой, Австралия ва бошқа мамлакатлардаги етакчи илмий марказлар ҳамда олий таълим муассасалари захираларни баҳолаш ишончлилигини ошириш ва геология-қидирув ишларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг салмоқли ҳиссаларига қарамай, олтин маъданлашувининг жойлашув қонуниятлари, айниқса мураккаб структуравий-тектоник шароитларда ва маъдан таналарида олтиннинг нотекис тақсимланиши билан боғлиқ масалалар ҳали-ҳануз ечимини топмаган. Шунингдек, геология-қидирув усулларини такомиллаштириш масалалари долзарблигича қолмоқда. Бу эса олтин конларида захираларни баҳолаш аниқлигини ошириш ва геология-қидирув ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган кейинги илмий изланишларга эҳтиёжни келтириб чиқармоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Минерал ресурслар институти” давлат муассасаси илмий-тадқиқот режасининг 1264-18-сон “Очиқ усулда қазиб олиш учун Сарибатир конининг олтин таркибли рудалари захираларини ҳисоблаш билан оптимал қидирув кондицияларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш” (2019) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Сарибатир конини разведка қилиш услубиётини маъдан таналарининг морфологияси ва уларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганиш асосида такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

Сариботир конининг геологик тузилиши хусусиятларини, маъдан таналарининг ётиш шароитлари ва морфологиясини ўрганиш, бунда олтин маъданлашувининг жойлашувини бошқарувчи асосий геологик омилларни (литологик, структуравий-тектоник, гидротермал-метасоматик) ажратиб кўрсатиш;

коннинг геологик тузилишининг мураккаблик даражасини аниқлаб, олтин маъданлашуви хусусиятларининг ўзгарувчанлигини (маъдан кесимлари қалинлигининг ўзгариш коэффициентлари, кесимлардаги олтин миқдори, маъданлашув чегараларининг мураккаблик кўрсаткичи) ўрганиш;

объектни (бурғилаш, тоғ-бурғилаш) қидирув (баҳолаш) тизимининг, шунингдек қидирув тўрининг геометрияси ва зичлиги уларнинг геологик тузилиши хусусиятларига мувофиқлигини баҳолаш;

маъдан ва олтин захираларини анъанавий усуллар ва блокли моделлаштириш усули билан ҳисоблаш натижаларининг ишончлилигини баҳолаш;

замонавий талабларни инобатга олган ҳолда олтин маъданли конларни қидириш ва ресурс салоҳиятини баҳолаш услубини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Даугизтау маъданли майдонининг жануби-ғарбий қанотида жойлашган Сарибатир кони (Ғарбий Ўзбекистон) танланган.

Тадқиқотнинг предмети Маъдан таналарининг морфологияси ва уларнинг ётиш шароитлари, маъданли уюмларда олтин миқдорининг тақсимланиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда қуйидаги анъанавий усуллар қўлланилди: фонд ва нашр этилган материалларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ажратилган маъдан таналарининг моддий таркиби ва параметрлари бўйича материалларни комплекс таҳлил қилиш, объектларнинг геологик тузилишининг мураккаблик гуруҳини асослаш билан олтин маъданлашуви хусусиятларининг ўзгарувчанлигини миқдорий тавсифлаш, уларни разведка қилиш (баҳолаш) нинг қабул қилинган услубини таҳлил қилиш, қудуқлар ва кон лаҳимларини намуналаш маълумотлари бўйича ҳисобланган параметрларни таққослаш, маъдан таналарини контурлаш тамойилларини таҳлил қилиш, маъдан ва олтин захираларини ҳисоблаш натижаларини анъанавий усул ва Micromine дастури ёрдамида блокли моделлаштириш усули билан таққослаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Сарибатир конида олтин маъданлашувининг жойлашиш қонуниятларини белгиловчи структуравий, литологик-стратиграфик, метасоматик ва жинсларнинг эпигенетик ўзгариш омиллари ажратилди;

қидирув тармоғи зичлигининг олтин кони захираларини баҳолаш ишончлигига таъсири асосли равишда кўрсатиб берилган;

коннинг чуқур қатламларида олтин маъданлашувининг фазовий ривожланиш имконияти асослаб берилди;

олтин конларида оксидланган ва аралаш маъданларни ажратиш учун ер қаъридан тўлиқ фойдаланишни таъминлайдиган мезонлар тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

вариация коэффиценти қиймати ва маъданлашув чегараларининг мураккаблик кўрсаткичи асосида коннинг геологик тузилишининг мураккаблик даражаси тасдиқланган;

олтин кони захираларини баҳолаш аниқлигига қидирув тўри зичлигининг таъсирини баҳолаш имконини берувчи экспериментал маълумотлар асосида қидирув ишлари оптималлаштирилган;

7а маъдан танасини қўшимча разведка қилиш асосида унинг чуқурлигини башорат қилиш амалга оширилган;

олтин-сульфид туридаги ўхшаш конлар учун замонавий талабларни инобатга олган ҳолда ресурс салоҳиятини разведка қилиш ва баҳолаш услубини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги қўлланилган геологик-қидирув маълумотларининг ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартибга солувчи белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги билан тасдиқланади. Шунингдек, ишончлилик замонавий Micromine дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилган блокли моделлаштириш натижалари орқали ҳам ўз тасдиғини топган.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - олтин маъданлашувининг жойлашувига таъсир кўрсатадиган геологик омиллар, коннинг разведка тўрини сийраклаштириш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш натижалари захираларни холисона баҳолашни таъминлайди, қидириш ва баҳолаш услубиётини такомиллаштириш имконини беришда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оннинг геологик тузилишининг мураккаблик даражаси аниқлаш, оксидланган ва аралаш маъданлар орасидаги чегарани аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва коннинг ресурс салоҳиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Сариботир кони бўйича олинган илмий натижалар асосида:

коннинг геологик-структуравий хусусиятлари таҳлили натижалари “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий этилган. (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 24 июндаги 08-1764-сонли маълумотномаси). Натижалар олтин маъданлашувининг жойлашувига таъсир етувчи структуравий, литологик ва эпигенетик омилларни аниқлаш ҳамда коннинг геологик тузилишининг мураккаблик даражасини белгилаш имконини берган;

конни қидириш ва ўзлаштириш маълумотларини таққослаш ҳамда унинг истиқболларини баҳолаш бўйича хулосалар “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий этилган. (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил

24 июндаги 08-1764-сонли маълумотномаси). Чуқур горизонтларни баҳолашдан олинган натижалар 7а маъдан танасида олтин маъданлашувининг чуқурликка тарқалишини тасдиқлаш орқали захираларнинг ўстиришда ҳисобга олинган;

замонавий талаблар асосида конни қидириш услубиётини такомиллаштириш ва ресурс салоҳиятини баҳолаш бўйича тавсиялар “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий этилган. (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 24 июндаги 08-1764-сонли маълумотномаси). Натижада, олтин конларида оксидланган ва аралаш маъданларни ажратиш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бет, 11 та жадвал ва 38 та расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган зарурият, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги ва қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг **“Олтин маъданлашувининг геологик-структуравий шароитлари ва жойлашув омиллари”** номли биринчи бобида тадқиқот ҳудудининг ва бевосита Сарибатир конининг геологик-структуравий шароитлари, шунингдек, олтин маъданлашувининг жойлашувига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилинади.

Кон Навоий вилояти Конимех тумани ҳудудидаги Марказий Қизилқумда, Даугизтау маъданли майдонининг жануби-ғарбий қанотида жойлашган. У 140-разъезд темир йўл станциясидан (Даугизтау қишлоғи) 15 км ғарбда ва Зарафшон шаҳридан 50 км жанубда жойлашган. Кондан 4,5 км шарқ-шимоли-шарқда Нукракон (Високовольтное) кони, 8 км шимоли-шарқда Даугизтау кони ва 21 км узоқликда Амантайтау кони жойлашган.

Сарибатир кони Белтов брахиантиклиналининг жанубий қанотида жойлашган бўлиб, косманачи қатламининг кумтош-сланец ётқизиклари орасидаги узилма бузилишлар тизимига тўғри келади. Тоғ жинслари нотекис қатламланган углеводородли кумтошлар, алеврокумтошлар, алевролитлар ва сланецлардан ташкил топган.

Кумтошлар ва алевролитларнинг таркиби бир-бирига ўхшаш: дала шпати-кварцли углеводород-слюдали, углеводород-кварцли. Сланецлар таркибида углеводород-


серицитли, углерод-дала шпатли, хлорит-серицитли ва бошқа турлари учрайди. Алоҳида қумли, алевролитли ва сланецли қатламларнинг қалинлиги 1 метрдан 5-15 метргача. Кесимда алевролитлар устунлик қилади (40-50%), қумтошлар (30-35%) ва сланецлар (20-30%) камроқ тарқалган.

Коннинг асосий қилувчи тузилмаси шимоли-шарқий йўналишда чўзилган Сарибатир ёриғи ҳисобланади.


Ёриқнинг узунлиги тахминан 1200 м бўлиб, жануби-шарққа 55-85° бурчак остида пасаяди. Шимоли-шарқда у ғарбий-шимоли-ғарбий йўналишдаги Белтов ёриғи билан тўсилган, жануби-ғарбда эса субмеридионал Ғарбий ёриқ билан кесилган. Белтов ёриғи жанубий йўналишларда тик (70-85°) пасайишга эга. Ёриқ зонасининг қалинлиги 5-10 м, узунлиги 3 км дан ортиқ. Ёриқнинг ички тузилиши субпараллел тектоник чокларнинг мавжудлиги ва милонитланиш билан тавсифланади. Ёриқ бўйлаб силжиш тури амплитудаси 100-200 м бўлган кўтарилма-силжишдир. Ғарбий ёриқ 50-70° бурчак остида ғарбий қияликка эга бўлиб, жинсларнинг кучли майдаланиши ва лимонитланиши билан ифодаланган. У бўйича силжишлар хусусияти аниқланмаган.

Конларда асосан Сарибатир ёриғини жануби-шарқдан қоплаган кўплаб майда узилмали бузилишлар ривожланган.

Олтин маъданлашувининг жойлашуви турли омиллар билан белгиланади (1-расм). Олтин маъданлашувининг жойлашишида асосий ролни структуравий омиллар ўйнайди.



1-расм. Сарибатир конининг геологик схематик харитаси:
 1-Қуйи девон: доломитлар;
 2-Мурун свитаси: кумтошлар, алевролитлар, филлитлар;
 3-Косманачи қатлами: кумтошлар, алевролитлар, сланецлар, кремнийлар;
 4-Тасқазган свитаси: метабазалтлар, метатуфитлар;
 5-ер ёриқлари;
 6-маъдан таначалари;
 7-кварцитлар;
 8-а) антиклинал бурма ўқи;
 б) синклинал бурма ўқи;
 9 – силжиш зонаси;
 10 – кесим проекцияси



Маъдан етказувчи структура Косманачи қатлами бўлиб, у каледон сурилмаси тубидаги микстит ҳосилаларидан иборат. Маъдан назорат қилувчи тузилмалар антиклинал ва синклинал бурмалардир. Сариботир ёриғи ва унинг тармоқланувчи ёриқчалари эса маъдан тақсимловчи вазифасини бажаради.

Маъдан таналарини тоғ жинсларининг умумий сланецланишига мос келадиган юқори сланецланиш зоналарини ҳосил қилувчи ётиқ формациялараро узилишлар, шунингдек, Сарибатир ёриғининг шохобчалари ва блокловчи Белтов ёриғи билан туташув зонаси бошқаради.

Литологик-стратиграфик омил: олтин маъданлашуви асосан қуйи бесапан свитасининг метасоматик ўзгарган қумтош ва алевролитларида ривожланган, чунки улар сланецларга нисбатан кўпроқ ёриқли ва гидротермал эритмалар учун ўтказувчанроқдир.

Метасоматик омил: минераллашиш зоналари серицитланиш, кварцланиш ва карбонатланиш билан бирга кечади.

Оксидланиш зонаси тоғ жинсларининг ёриқланиш даражасига қараб 25 дан 50 м гача, ўртача 35 м чуқурликда намоён бўлади. Оксидланиш зонасининг чегараси нисбатан текис бўлиб, айрим чуқурчалар билан ажралиб туради ва оксидланган ҳамда бирламчи маъданлар орасида визуал равишда кулранг рангнинг ола-булага ўзгариши, темир гидрооксидларининг ривожланиши билан аниқланади.

Диссертациянинг иккинчи **“Маъданли уюмларнинг морфологияси ва уларнинг ички тузилиши”** боби маъдан таналарининг морфологиясига, геологик тузилишнинг мураккаблик даражасини аниқлашга, маъданларнинг моддий таркиби ва технологик хусусиятларига ҳамда геокимёвий тадқиқотларга бағишланган.


Геология-қидирув ишлари натижаларига кўра конда жами 10 та маъданли уюмлар ажратилган бўлиб, улардан 6 та маъданли уюмлар ётиш элементларига боғлиқ ҳолда ётиш бурчаклари 60° дан 85° гача бўлган тик тушувчи (1, 2, 3, 5, 8, 9 маъдан уюмлари), 2 та маъданли уюмлар ётиш бурчаклари 20° гача бўлган қия тушувчи (2а, 4 маъдан уюмлари) ва 2 та маъданли уюмлар ётиш бурчаклари 30° дан 60° гача бўлган комбинацияланган (қия) (6, 7 маъдан уюмлари).

Тик тушувчи ва ётиқ тушувчи маъдан уюмлари асосан олтин маъданли худуднинг шимоли-шарқий қисмида, аралаш уюмлар эса шимоли-ғарбий қисмида жойлашган.


Режада маъдан уюмлари изометрик, линзасимон ва мураккаб шаклларга эга. Маъдан уюмлари морфологиясининг фазовий жойлашувидан кўриниб турибдики, улар умумий кўринишда Сарибатир ёриғи юзасининг морфологиясига ва унинг иккиламчи ёриқлар билан туташуш хусусиятига мос келади.

Сарибатир конининг геологик мураккаблик гуруҳини аниқлаш мақсадида олтин миқдорининг тақсимланиши бўйича гистограммалар тузилди. Оксидланган маъданларда вариация коэффиценти олтин чегаравий миқдори 0,5 г/т учун 102,6% ни, сульфидли маъданларда эса олтин чегаравий миқдори 0,7 г/т учун 117% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар коннинг 3-геологик мураккаблик гуруҳига мос келади (2- ва 3-расмлар). Бундан ташқари, маъданланиш чегараларининг


мураккаблик кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилди ва у 0,53 га тенг бўлди, бу ҳам геологик тузилишнинг 3-мураккаблик гуруҳига тўғри келади. Шунингдек, қалинликнинг ўзгарувчанлик коэффицентини акс эттирувчи гистограммалар қурилди (4- ва 5-расмлар). Оксидланган маъданларда бу кўрсаткич 105% ни, сульфидли маъданларда эса 125,7% ни ташкил этди.




2-расм. Оксидланган маъданлардаги олтин миқдорининг 0,5 г/т олтин миқдори бўйича тақсимланиш гистограммаси



3-расм. Сульфидли маъданлардаги олтин миқдорининг 0,7 г/т олтин миқдори бўйича тақсимланиш гистограммаси



4-расм. Оксидланган маъданлар бўйича қалинликнинг тақсимланиш гистограммаси



5-расм. Сульфидли маъданлар бўйича қалинликнинг тақсимланиш гистограммаси

Сарибатир кони маъданларининг моддий таркиби, технологик хусусиятларини ўрганиш 1981-1987 йилларда САИГИМС (“МРИ” ДМ) ва ИРГИРЕДМЕТ (Иркутск ш.), Ингичка ОМП институтларида батафсил ўрганилган.

Сарибатир конининг олтин таркибли маъданлари кам сульфидли, майда хол-холли турга мансуб бўлиб, оксидланган ва сульфидли турларга бўлинади. Маъдан қамровчи жинслар оксидланиш зонасида ҳам, ундан пастда ҳам ранги, таркиби ва тузилиши бўйича бир хил бўлади.

Минерал таркиби бўйича маъданлар асосан кварц-дала шпатли бўлиб, карбонатлар ва бошқа минераллар аралашмаси мавжуд. Оксидланган маъданларда темир гидрооксидлари (гетит, гидрогетит), гипс, барит ривожланган, углеродли модда миқдори камаяди.

Сульфидлар миқдори бўйича (3-6%) бирламчи маъданлар кам сульфидли турга киради. Асосан сульфидлар арсенопиритга нисбатан кам бўлган пиритдан иборат. Оз миқдорда антимонит, халькопирит, сфалерит, галенит, хира маъданлар учрайди.

Оксидланган маъданларда олтин асосан эркин ҳолда бўлади. Одатда у кварц, темир гидрооксидлари, скородит, карбонатлар билан боғлиқ.

Маъданларни технологик хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган синовлар натижаларига кўра флотоконцентратни қайта ишлаш учун қуйидаги схема тавсия этилди: флотоконцентратни икки босқичда 500-550° ва 600-650°С ҳароратда 2 соат давомида куйдириш, куйиндини сульфат кислота билан ишлов бериш (3% ли эритма), кекни филтрлаш ва ювиш, шунингдек, сорбцион цианлаш (оҳак концентрацияси 0,015-0,02%, натрий циани - 0,15%), смолани юклаш - пульпага нисбатан 3%. Ушбу схема бўйича маъдандан металларни узлуксиз ажратиш олиш қуйидагича бўлди: олтин - 78,9% кумуш - 37,6%.

2015-2016 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатининг марказий илмий-тадқиқот лабораториясида сульфидли маъданларни флотацион- куйдириш-цианлаш схемаси бўйича технологик синовлари ўтказилди, бу эса флотоконцентратларни куйдириш ва олинган куйиндини, шунингдек флотация чиқиндиларини сорбцион сианлашни ўз ичига олади. Бу схема флотоконцентратларни куйдириш ва олинган куйиндини, шунингдек флотация чиқиндиларини сорбцион цианлашни ўз ичига олади. Олтин фаоллаштирилган кўмирга чўктирилди. Ушбу схемага мувофиқ олтинни Доре қотишмасига 80% ва Доре қотишмаларидан аффинаж жараёнида товар олтинига 99% ажратиш олишда, олтинни товар маҳсулотига узлуксиз ажратиш олиш 79,2% ни ташкил этади.

Олтин маъданлашувининг йўлдош элементларини аниқлаш ва маъдан уюмлари ҳамда умуман маъданли зона атрофидаги бирламчи ореолларнинг геокимёвий зоналлигини аниқлаш мақсадида иккита қидирув чизиғи бўйича 528 ва 534-рақамли шарошкали бурғилаш қудуқлари ва канавалардан олинган намуналар 16 та элемент бўйича спектрал таҳлил қилинди.

Умуман олганда, олтин маъданлашувининг энг ишончли йўлдош элементлари маргимуш, рух, сурма, молибден бўлиб, улар бу маъданлашувга тик ва ётиқ тузилмаларда ҳамроҳлик қилади.

Учинчи **“Қидирув усулларини такомиллаштириш ва ресурс имкониятларини баҳолаш”** бобда, коннинг ўрганилганлик даражаси, қабул қилинган қидирув мезонларининг геологик тузилиш хусусиятларига мувофиқлиги, маъдан қатламларини чегаралаш, захираларни анъанавий усул ва блокли моделлаштириш усули билан ҳисоблаш, қидирув тўрининг қабул қилинган зичлигини сийраклаштириш орқали баҳолаш бўйича тажриба тадқиқотлари ҳамда Сарибатир конини қидириш ва ишлатиш маълумотларини таққослаш, коннинг истиқболларини баҳолаш келтирилган.

Сарибатир конини қидириш аралаш тоғ-бурғулаш усули билан амалга оширилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бурғилаш ишларида жиддий камчиликлар мавжуд. Қия ва ҳатто тик тушадиган маъдан уюмлари асосан вертикал шарошкали қудуқлар билан ўрганилган. Бундан ташқари, шарошкали қудуқларнинг қатта қисми разведка профиллари чизиғидан 15% дан ортиқ азимутал оғиш билан бурғиланган, бу эса геологик кесимларда ва разведка профиллари ўртасида маъдан

кесишмаларининг боғланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, 33 та кудук маъданли (минераллашган) зоналарни тўлиқ қалинликда кесиб ўтмаган.

Борт миқдорининг оптимал вариантыни танлаш учун захиралар учта борт миқдори бўйича ҳисобланган. Ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, оксидланган маъданлар учун олтиннинг борт миқдори - 0,5 г/т, сульфидли маъданлар учун - 0,7 г/т варианты энг мақбул ҳисобланади. Бу вариантлар ер қаъридан разведка қилинган захираларни тўлиқ қазиб олишни, шунингдек, конни қазиб олишнинг иқтисодий рентабеллигини таъминлайди.

Олтиннинг минимал миқдорини ҳисоблаш натижасида, маъданли уюмларни чегаралаш учун чегаравий маъдан оралиғи бўйича олтиннинг минимал миқдори 0,96 г/т ни ташкил этади. Маъданли уюмларни чегаралаш учун кондицияларда чегаравий маъдан оралиғи бўйича олтиннинг минимал миқдори 1,0 г/т қабул қилинган, бу Амантайтау кони бўйича ушбу кўрсаткичга ўхшашдир.

Фойдаланиладиган кон усқуналарини ҳисобга олган ҳолда, захираларни ҳисоблашга киритиладиган маъдан оралиғининг минимал қалинлиги 1987 йилдаги захираларни ҳисоблашдаги каби, шунингдек, Амантайтау конидаги сингари 5,0 м га тенг деб қабул қилинган (тик ва қия жойлашган маъдан уюмлари учун - горизонтал, ётиқ жойлашганлари учун - вертикал). Қалинлиги камроқ, лекин олтин миқдори кўпроқ бўлса, тегишли метрограммадан фойдаланиш лозим.

Маъдан оралиқларининг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда, захираларни ҳисоблаш контурига киритилган бўш жинслар ва кондицион бўлмаган маъданлар қатламларининг максимал қалинлиги 5,0 м қабул қилинади.

Барча маъданли конлар юқори маъданлилик коэффициенти (0,88 дан юқори) билан тавсифланади, шу сабабли кондиция параметрларида минимал маъданлилик коэффициенти назарда тутилмаган.

Конни очик усулда қидиришда кондицияларда фойдали қазилманинг саноат миқёсидаги энг кам миқдори, одатда, белгиланмайди. Асосий параметр сифатида фойдали компонентнинг борт миқдори қабул қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра, разведка кондицияларининг қабул қилинган варианты бўйича ҳисоблаш блокадаги олтиннинг саноат миқёсидаги минимал миқдори ўртача 1,51 г/т ни ташкил этади. Барча ажратилган ҳисоблаш блокларидаги олтиннинг ўртача миқдори бу қийматдан юқори бўлиб, бу ҳар бир блокни қазиб олишнинг рентабеллигини кўрсатади.

Кон-техник сабабларга кўра лойиҳавий карьерлар контуридан ташқаридаги барча олтин таркибли маъданлар захиралари балансдан ташқарига чиқарилган.

1987 йилдаги захираларни ҳисоблашда маъдан конларини чегаралаш асосан билвосита белгилар (тоғ жинсларининг метасоматик ўзгаришлари даражаси, пирит билан тўйинганлиги) бўйича амалга оширилган. Кондицион маъдан оралиқлари маъдан уюмлари ичида олтиннинг 1,5 г/т чегаравий миқдори бўйича ажратилган. Маъдан уюмларининг контурлари асосан шартли бўлган, чунки аниқ геологик чегаралар бўлмаганда маъдан уюмлари фақат намуналар маълумотлари асосида ажратилган.

2019 йилда захираларни қайта баҳолашда маъдан уюмлари намуналар маълумотларини ҳисобга олган ҳолда олтиннинг 0,5 г/т чегаравий миқдори

бўйича янги кондицияларга мувофиқ ажратилган энг чекка маъдан ораликлари бўйича чегараланган. Маъдан уюмлари ичидаги маъдан ораликлари ҳам олтиннинг худди шундай чегаравий миқдори бўйича ажратилган. Маъдан уюмларининг табиий чегаралари уларнинг ишончилиги шарти билан ёриқлар ҳисобланган. Улар бўлмаган ҳолда маъданли уюмнинг контури маъдан кесимидаги олтин миқдorigа қараб маъданли ва маъдансиз кесимлар орасидаги масофанинг ярми ёки чорагига ўтказилган.

Олтин таркибли маъданлар захираларини ҳисоблаш уларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида анъанавий усулда ва блокли модель бўйича амалга оширилди.

Маъданли уюмлар маъданли ва маъдансиз участкалар, кондицион бўлмаган қатламчаларнинг алмашилиб келиши туфайли чўзилиши ва ётиши бўйича сақланмаган морфологияга ва мураккаб ички тузилишга эга. Улар ҳеч қандай қонуниятсиз тақсимланади ва разведка босқичида қон тармоқларининг зичлигида уларни аниқ чегаралаш (геометриялаш) мумкин эмас. Шу сабабли, бундай қонларнинг олтин таркибли маъдан захиралари маъданлиликнинг чизиқли коэффициент ёрдамида статистик ҳисоблаб чиқилади.


Маъданли интервалларни шакллантиришда захираларни ҳисоблаш контурига киритилган бўш жинслар ва кондицион бўлмаган маъданлар қатламларининг максимал қалинлиги (5 м) кондициялар билан аниқланди. Захираларни ҳисоблаш контурига қўшни кесимлардаги маъдансиз ва кондицион бўлмаган маъдан ораликларини ўртача параметрларни ҳисоблаш билан битта кесимга бирлаштириш йўли билан селектив қазиб олиш имкони бўлмаганда ҳам киритилган.

Олтин таркибининг нотекис тақсимланиши туфайли захираларни ҳисоблашда ҳисоблаш блокада ва умуман объект бўйича маъданларнинг ўртача сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи уларнинг ажралиб турадиган “ўта юқори” таркибининг таъсирини чеклаш муҳим аҳамиятга эга. Жами олтиннинг “ўта юқори” миқдорини чеклаш 10 та ҳисоблаш блоки бўйича, маъдан оралигининг “ўта юқори” қалинлигини чеклаш эса битта ҳисоблаш блоки бўйича амалга оширилган.

Сарибатир конининг блокли моделини қуриш учун анъанавий усулда қўлланилган маълумотлар базасидан фойдаланилган. Маъдан уюмларининг контурлари захираларни анъанавий усулда ҳисоблаш маълумотлари бўйича қабул қилинган ва каркас моделларига боғланган. Блокли моделда ўта юқори қийматларни чеклаш геостатистик усулда намуналарнинг умумий танланмаси бўйича амалга оширилган.

Захиралар анъанавий усулда захираларни ҳисоблашдаги каби ажратилган маъдан қонлари чегараларида ҳисоблаб чиқилган (6-расм).

Барча кўрсаткичлар (маъдан захиралари, олтин миқдори, унинг ўртача миқдори) бўйича тафовут 5% дан ошмайди, бу эса Сарибатир конининг қайта баҳоланган захиралари ишончилигини кўрсатади.



6-расм. Коннинг блокли моделини ҳисоблаш кесими билан таққослаш: а - блокли модельнинг р.л.528 бўйича кесими; б - р.л.528 бўйича ҳисоблаш кесими.


2019 йилда аниқлаштирилган кондицияларни қўллаган ҳолда кон захираларини ҳисоблаш жараёнида маъдан таналарининг геометрияси ва контурлари сезиларли даражада қайта кўриб чиқилди. Маъдан таналари шаклининг ўзгариши, асосан, қабул қилинган кондициялар, структуравий назорат ва маъданлашув жойлашуви геометриясининг уйғунлашган таъсири натижасида юз берди. Бу эса иқтисодий жиҳатдан асосланган ва геологик нуқтаи назардан ишончли моделни яратиш имконини берди.

Сарибатир конида тўрни сийраклаштириш билан экспериментал тадқиқотлар маъдан таналари 3 (жумладан, маъдан танаси 2 билан бирлаштирилган блок), 5, 6 ва 7 бўйича ўтказилди. Разведка пайтида қабул қилинган тўрни сийраклаштириш натижалари разведка қилинган захираларнинг ишончилигига таъсир қилиши мумкин эди. Оксидланган маъданларда маъдан захиралари бўйича -8,26%, олтин бўйича -9,53%, ўртача миқдори бўйича -1,38% га камайган, сульфидли маъданларда эса аксинча, маъдан захиралари 27,87%, олтин 32,93% ва ўртача миқдори бўйича 3,96% га ошган.

Коннинг асосий салоҳияти сульфидли маъданлар бўлиб, уларни қазиб олиш эксплуатацион разведка жараёнида бошланган. Эксплуатацион разведка натижалари кондаги олтиннинг тақсимланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди. 2024 йилдан бошлаб Даугизтау экспедицияси балансдан ташқари деб ҳисобланган сульфид маъданларини ўз ичига олган коннинг чуқур горизонтларини баҳолаш бўйича янги лойиҳани амалга оширмоқда. Бурғиланган қудуқлар чуқурроқ горизонтдаги 6 ва 7а маъдан таналаридаги маъдан кесимларини очди. Шу муносабат билан, C_1 ва C_2 тоифаларга бўлинган 7а маъдан танасидаги захираларнинг ўсиши ҳисоблаб чиқилди. Янги бурғиланган қудуқлар билан захираларни қайта ҳисоблашдан кейинги разведка маълумотлари билан фарқ блокдаги захираларни 95,9 фоизга

оширади (7-расм). Шу билан бирга, бошқа маъдан таналарини яқин атрофдаги конларга ўхшаш ҳолда 300 метр чуқурликкача бўлган чуқур горизонтларда қўшимча ўрганиш орқали захираларни кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Тўртинчи “Замонавий талабларга мувофиқ коннинг ресурс салоҳиятини қидирув ва баҳолаш методикасини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” бобида Сарибатир кони мисолида турли оксидланиш даражаси ва технологик хусусиятларга эга бўлган маъданларни ажратиб олиш билан олтин конларида оксидланиш зонасини қидириш усули бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.



7-расм. 7а маъдан танасининг проекцияси. 1- а) C_1 тоифадаги тасдиқланган захиралар контури; б) қайта ҳисоблашни ҳисобга олган ҳолда C_1 тоифадаги захиралар контури; 2 - кўпайтирилган захиралар контури; 3 - маъдан танасининг рақами, захиралар тоифаси, ҳисоблаш блокнинг рақами; 4 - маъдан кесишмаларининг параметрлари (суратда - қалинлик, махражда - миқдор), шу жумладан 2024 йилда бурғиланган кудуқлар маълумотлари бўйича.

Олтин конларини разведка қилишда оксидланиш зонасидаги олтин таркибли маъданларнинг барча ҳисобланган захиралари, одатда, сульфидли минералларнинг оксидланиш даражаси ва маъданларнинг технологик хусусиятларининг чуқурлик бўйича ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда оксидланган деб ҳисобланади. Бироқ, Сарибатир конида ҳамда Даугизтау ва Ауминзатау маъдан майдонларидаги бошқа олтин конларида оксидланиш зонаси маъданларини қазиб олиш маълумотларига кўра, Навоий кон-металлургия комбинати маълумотларига асосан, уларнинг катта қисми турли даражадаги оксидланиш туфайли қайта ишлашнинг мураккаб технологиясига эга бўлган қисман оксидланган (аралаш) маъданлардан иборат. Қазиб олинган аралаш маъданлар ҳозирча асосан омборларда сақланмоқда.

Шу сабабли оксидланиш зонасини разведка қилишда оксидланган ва аралаш маъданларни ажратиш мезонлари муҳим аҳамият касб этади. Бундай мезонлар орасида визуал, минералогик, геокимёвий, геофизик ва технологик мезонларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Визуал мезонлар. Визуал мезонлар чуқурлик бўйича тоғ жинслари рангининг ўзгаришига асосланган: оксидланган маъданларга хос бўлган яхлит сарғиш-қўнғир, қўнғир рангдан аралаш маъданларга хос бўлган камроқ интенсив, ранг-баранг ранггача.

Минералогик мезонлар. Минералогик мезонларга маъданлардаги оксидланган ва сульфидли минералларнинг маъданларнинг оксидланиш даражасини акс эттирувчи нисбати (% да) киради. “Олтин конлари учун захиралар таснифини қўллаш бўйича йўриқнома”га (ЗДК, 2020) мувофиқ таркибида 30% дан ортиқ оксидланган минераллар бўлган маъданлар оксидланган маъданларга, 30% дан кам оксидланган минераллар аралаш маъданларга киради.

Геокимёвий мезонлар. Оксидланиш даражаси бўйича оксидланган ва сульфидли маъданларни ажратиш учун энг маълумотли геокимёвий кўрсаткич сульфидли ва сульфатли олтингугурт миқдорининг нисбати (% да) ҳисобланади. Минералогик мезонлар кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, сульфатли олтингугурт миқдори 70% дан юқори бўлган маъданлар оксидланган, 70% дан кам бўлганлари эса аралаш маъданлар қаторига киради.

Сульфидли ва сульфатли олтингугурт миқдори фазавий таҳлиллар маълумотлари бўйича аниқланади. Бироқ, олтин конларини разведка қилишда фазали таҳлиллар умуман бажарилмайди ёки маъданларнинг кимёвий таркибини тавсифлаш учун кичик ҳажмда қўлланилади, бунда сульфидли ва оксидланган маъданлар ажратишиб, “оксидланган маъданлар”га бутун маъданли оксидланиш зонаси киритилади.

Геофизик мезонлар. Маъданларнинг оксидланиш даражасини қудуқларнинг электрокаротаж маълумотлари - сульфидлар миқдорига боғлиқ бўлган солиштирма қаршилик кўрсаткичлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Оксидланмаган сульфидлар миқдори турлича бўлган оралиқларни ажратиш учун каротаж диаграммаларидан фойдаланилади.

Келтирилган мезонлар оксидланган ва аралаш маъданларни уларнинг оксидланиш даражасига кўра ажратиш имконини беради. Бироқ, олтинни ажратиш олиш нафақат сульфидларнинг оксидланиш даражасига, балки олтиннинг учраш шаклига, цианланган олтин миқдорига ҳам боғлиқ бўлиб, оксидланган маъданларни ажратиш олиш учун асосий технологик мезонлар ҳисобланади.

Технологик мезонлар. Оксидланган ва аралаш маъданларни ажратиш олишда технологик кўрсаткичлар сифатида Навоий КМК тажрибаси бўйича цианлаш орқали олтинни ажратиш олиш қўлланилади. Олтин ажратиш олиш даражаси 70% дан юқори бўлган маъданлар оксидланган, 70% дан кам бўлганлари эса аралаш маъданларга киради, бу оксидланган ва аралаш маъданларни оксидланиш даражаси бўйича ажратишда қабул қилинган мезонларга мос келади.

ХУЛОСА

1. Сарибатир кони косманачи қатламининг свитасининг ётқизиқларига тегишли бўлиб, бу қатлам нотекис қатламланган углеродли қумтошлар, алевроқумтошлар, алевролитлар ва сланецлардан ташкил топган. Олтин маъданлашувининг жойлашувини белгиловчи геологик омиллар орасида структуравий, литологик-стратиграфик, метасоматик ва жинсларнинг эпигенетик ўзгариш омиллари ажралиб туради. Маъдан келтирувчи структура Косманачи қатлами бўлиб, у каледон сурилмаси тубидаги микстит ҳосилаларидан иборат. Маъдан назорат қилувчи структуралар антиклинал ва синклинал бурмалар ҳисобланади. Сариботир ёриғи ва уни қопловчи ёриқлар маъдан тақсимловчи ҳисобланади. Литологик-стратиграфик омил қуйи бесапан свитаси қумтош ва алевролитларида метасоматик ўзгаришларнинг ривожланишида намоён бўлади, бу эса уларни гидротермал эритмалар учун кўпроқ ўтказувчанлигини оширади. Метасоматик омил серицитланиш, карбонатланиш, кварцланиш каби турли маъдан олди ўзгаришларида ўз аксини топади. Жинсларнинг эпигенетик ўзгариш омиллари оксидланиш зонасининг ривожланишига сабаб бўлган.

2. Конда 10 та маъданли уюмлар ажратилган бўлиб, улардан 6 та маъданли уюмлар ётиш элементларига кўра тик тушувчи, 2 та маъданли уюмлар - ётиқ тушувчи ва 2 та маъданли уюмлар комбинацияланган. Тик тушувчи ва ётиқ тушувчи маъдан уюмлари олтин маъданли ҳудуднинг шимоли-шарқий қисмида, комбинацияланган уюмлар эса шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Маъдан уюмлари планда изометрик, линзасимон ва мураккаб шаклда учрайди.

3. Геологик тузилишининг мураккаблиги бўйича кон, олтин маъданлашувининг ўта нотекис тақсимланиши сабабли, мураккабликнинг 3-гуруҳига киритилган. Кондаги миқдорнинг ўзгарувчанлик коэффиценти оксидланган маъданларда 102,6%, сульфидли маъданларда 117,1% ни ташкил этади. Қалинликнинг ўзгарувчанлик коэффиценти оксидланган маъданларда - 105%, сульфидли маъданларда - 125,7%. Объект чегараларининг мураккаблик кўрсаткичи 0,53 га тенг бўлиб, бу ҳам геологик тузилиш мураккаблигининг 3-гуруҳига мос келади.

4. Маъданли уюмларнинг мураккаб ички тузилиши ва уларни аниқ чегаралаб бўлмаслиги сабабли - захиралар маъданлиликнинг чизиқли коэффиценти қўллаган ҳолда статистик ҳисобланди. Захиралар анъанавий усул ва Micromine дастури ёрдамида блокли моделлаштириш усули билан ҳисобланган. Маъдан, олтин ва унинг ўртача миқдори захираларини баҳолашдаги фарқ 5% дан ошмайди, бу эса захираларни ҳисоблашнинг юқори даражада ишончли эканлигини кўрсатади.

5. Разведка пайтида қабул қилинган тўрнинг сийраклашиши разведка қилинган захираларнинг ишончсизлигига олиб келиши мумкин. Оксидланган маъданларда захиралар 8,26% га, олтин 9,53% га, ўртача миқдори 1,38% га камайган бўлса, сульфидли маъданларда эса аксинча, маъдан захиралари 27,87% га, олтин 32,93% га ва ўртача миқдори 3,96% га ошган.

6. Коннинг асосий салоҳияти сульфидли маъданлар бўлгани сабабли, 7а маъдан танаси бўйича захираларнинг ҳисобланган ўсиши конларда бошқа маъдан

таналарининг чуқур горизонтларини қўшимча ўрганиш орқали захираларни 300 метр чуқурликкага кўпайтириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда Олтин маъданли конларни қидиришда оксидланиш зонасидаги олтин таркибли маъданларнинг барча захиралари сульфид минералларининг оксидланиш даражаси ва маъданларнинг технологик хусусиятларининг чуқурлик бўйича ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда оксидланган деб ҳисобланади. Шу боис, оксидланган ва аралаш маъданларни ажратиш мезонлари (визуал, минералогик, геохимёвий, геофизик ва технологик) муҳим аҳамият касб этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»**

ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»

КАМАГУРОВА СВЕТЛАНА ВЛАДИМИРОВНА

**ГЕОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗМЕЩЕНИЯ ОРУДЕНЕНИЯ И
ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДИКИ РАЗВЕДКИ ЗОЛОТОРУДНОГО
МЕСТОРОЖДЕНИЯ САРЫБАТЫР**

**04.00.02 – Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных ископаемых.
Металлогения и геохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2025.3.PhD/GM279

Диссертация выполнена в Государственном учреждении «Институт минеральных ресурсов».
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.mridm.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Исоков Максуд Узокович
доктор геолого-минералогических наук

Официальные оппоненты: Турапов Мирали Камалович
доктор геолого-минералогических наук, профессор
Антонов Александр Евгеньевич
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Ведущая организация: АО «Узбекгеологоразведка»

Защита диссертации состоится «18» 11 2025 г. в 14³⁰ часов на заседании Научного Совета DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, (адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99871) 209-08-93; e-mail: info@mridm.uz, grniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер № 3473), (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64, Тел: (99871) 209-08-93.

Автореферат диссертации разослан «31» 10 2025 года.
(реестр протокола рассылки № 25 от «8» 10 2025 года).



В.Д. Цой
Заместитель председателя Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

С.С. Сайитов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м.н.

М.М. Пирназаров
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность исследований. В международной практике продолжают оставаться актуальными вопросы изучения факторов, влияющих на особенности геологического строения золоторудных месторождений, методику разведки и подсчет запасов, а также геолого-экономическую оценку. Ключевое внимание уделяется качественной обработке существующих геологических, горнотехнических и технологических данных, а также применению современных методов анализа и интерпретации полученных результатов.

В развитых странах в настоящее время осуществляется масштабное исследование для разработки научно обоснованных методов геологоразведки и оценки запасов золоторудных месторождений. Использование лицензионных программных комплексов для пересчета запасов с учетом новых технико-экономических разведочных кондиций способствует повышению эффективности геологоразведочных мероприятий и развитию минерально-сырьевой базы страны.

В нашей республике реализуется ряд комплексных мероприятий по созданию единой геологической службы для комплексного изучения недр и эффективного внедрения программ развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы. Стратегия дальнейшего развития Нового Узбекистана подразумевает меры по «...расширению минерально-сырьевой базы в соответствии с потребностями экономики».¹ Решение поставленных задач неразрывно связано с научными исследованиями, направленными на улучшение методики геологоразведки и повышения эффективности изучения недр, достоверности подсчета запасов полезных ископаемых с учетом нестабильного рынка цен на золото на мировом рынке, что обуславливает необходимость динамичной переоценки запасов месторождений по новым кондициям.

Своевременное воспроизводство минерально-сырьевой базы республики действующих горно-добывающих предприятий, делают одной из приоритетных задач совершенствование научно-методических решений разведки месторождений на основе глубокого изучения закономерностей размещения оруденения. Сегодня перед добывающей отраслью поставлена задача существенного роста добычи золота и серебра, в связи с чем необходимо изучение месторождений на глубину и на флангах.

